

## Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (транспорт) таълим йўналиши тўғрисида қисқача маълумот

Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (транспорт) бакалаврият таълим йўналиши - транспорт соҳаси ва унга тегишли бўлган ишлаб чиқариш корхоналарида хавфсизликни таъминлаш, инсон ҳаёти ва фаолияти учун қулай техносферани (инсон томонидан шакллантирилган муҳит) шакллантириш, ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазасини ташкил қилиш, атроф муҳитга теноген таъсирларни минималлаштириш, замонавий техник воситалардан, назорат усулларида ва прогнозлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига инсон ҳаёти ва соғлиғини асраш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.



*Биз меҳнат муҳофазаси тарафдоримиз!*



**Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси соҳа ва ташкилотларда фаолият юритадилар**

Транспорт соҳаси ва унга тегишли бўлган барча корхона ҳамда ташкилотларда фаолият олиб боришлари мумкин.

**Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси касб ва лавозимларда ишлашлари мумкин?**

Транспорт соҳаси ва унга тегишли бўлган барча корхона ҳамда ташкилотларда меҳнат муҳофазаси муҳандиси, шунингдек меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича:

- хизмат кўрсатиш-фойдаланиш;
- экспертлик, назорат ва инспекторлик-аудиторлик;
- илмий-тадқиқот;
- лойиҳавий-конструкторлик;
- ташкилий-бошқарув;
- педагогик (умумий ўрта ва касб-хунар таълими тизимида) соҳаларида фаолият олиб боришлари мумкин.